ЕРДАМЧИ ХУЖАЛИК ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРИДА

# СЕКРЕТАРНИНГ ЎЗИ МАСЪУЛ

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли «Узстройтранс» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Янгийўлдаги 5-автобазаси бошланғич партия ташкилотининг 1982 йилги очиқ партия йиғилишларининг бирида одатдагидан бошқачароқ — корхонада ёрдамчи хўжалик ташкил этиш масаласи муҳокама қилинди. Бошида айрим кишиларга бу масала жуда эриш туюлди. «Машина кузовида товуқ боқамизми? Ақлга сиғмайдиган иш» дегувчилар ҳам бўлди. Аммо, масаланинг туб моҳиятига тушуниб етган коммунистлар имконият ахтара бошладилар. Ўзаро маслаҳатлашиб қорамол боқишга келишилди. Мажлисда коммунистлар автобаза территорияси чеккасидаги ташландиқ ерга ўз кучлари билан молхона қуришга қарор қилдилар.

Қурилиш ҳашар йўли билан бошланиб кетди. Ҳайдовчилар ўзларининг бир неча дам олиш кунларини шу ерда ўтказдилар. Ниҳоят тўрт ойда молхона ҳам битди. Аниқроғи бу молхона эмас, қулайгина бостирма эди. Қиш мавсумида бостирманинг олди брезент чодирлар билан ёпилиб, иситгич мосламалари ишга тушириладн. Ёзда эса чодирлар олиниб, молларни очиқ ҳавода боқиш кўзда тутилди. Шу йилнинг ўзидаёқ 30 бош бузоқ сотиб олиниб, парвариш қилина бошланди. Чорва озуқаси жамғаришда транспортчиларга оталиқлардаги «СССР 60 йиллиги» колхози ва У. Юсупов номли аграр-саноат бирлашмасига қарашли Навоий номли совхоз аъзолари яқиндан ёрдам бердилар. Партия ташкилоти ташаббуси билан ёрдамчи хўжалик ишини ривожлантириш мақсадида етти кишидан иборат махсус комиссия тузилди. Бу комиссия аъзолари ҳар сешанба куни йиғилиш ўтказиб, ёрдамчи хўжалик фаолиятини муҳокама қилиб боради.

Дастлабки натижалар коллективни қувонтирди. 1983 йилда қорамоллар бош сони 50 тага етказилиши билан бирга автобаза ходимларига 9 тонна гўшт сотилди. Яъни йил давомида ҳар бир ишловчига 36 килограммдан гўшт етказиб берилди.

— Ҳозир ёрдамчи хўжалигимизда 84 бош қорамол боқиляпти, — дейди корхона директори Ризо Ҳайбуллаев, — йил охиригача уларнинг сони 100 дан ошади. Шу билан бирга 1984 йилда ўз гўшт дўконимизда 14 тонна маҳсулот сотишни режалаштиряпмиз. Бу ҳар бир ишловчига йил давомида 58 килограммдан гўшт тўғри келади, демакдир.

Ҳадемай дағал хашак йиғиш кампанияси бошланади. Бу йил 280 тонна пичан, яъни икки йиллик чорва озуқаси тўпламоқчимиз. Озуқа жамғариш ҳашарида коллективимизнинг барча аъзолари бажонидил иштирок этадилар. Шуниси қувончлики, гўштга сўйилаётган қорамолларнинг ўртача вазни 500—600 килограммга етяпти. Бу ўринда Ботир Раззоқов, Эркин Мухтибоев, Абдувоҳид Тожибоев каби бўрдоқибоқарлар меҳнати таҳсинга лойиқдир.

Ёрдамчи хўжалик корхонада «1—номерли цех» деб юритилади. Бу эса коллективнинг ушбу муҳим соҳага эътибори бениҳоя катта эканлигини кўрсатади. Қолаверса, ёрдамчи хўжаликка бошланғич партия ташкилотининг секретари Раҳмонали Маҳамедов масъул этиб тайинланган. Соҳадаги эришилаётган қувончли ютуқларда унинг ташкилотчилиги ва тадбиркорлиги салмоқли роль ўйнамоқда.

5-автобаза коллективи 1983 йилда халқ хўжалиги юклари ташиш планини ошириб ўринлаб, тўрт квартал давомида шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлда сақлаб қолди. Корхона хўжаликларга намунали оталиқ ёрдами кўрсатаётгани учун область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Советининг фахрий Ёрлиғи билан тақдирланди. Транспортчилар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш юзасидан бошланган социалистик мусобақада актив иштирок этишиб, 1984 йил 1 кварталида барча соҳалар бўйича белгиланган топшириқларни ошириб бажардилар.

Партия ташкилоти секретари Р. Маҳамедовнинг дилида шу кунларда яна бир мулоҳаза туғилиб қолди. У корхонада теплица қуриб, унда лимон етиштирмоқчи. Ишончимиз комилки, секретарнинг бу таклифи 33 коммунист ва барча транспортчилар томонидан қўллаб қувватланади.

**А. РАҲИМБЕРДИЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

ТОШКЕНТ ИЛМИЙ МАРКАЗИДА

# МЕТАЛЛ ТЕЖАЛАДИ

**ТОШКЕНТ илмий марказида «Ташкентметалл» комплекс илмий-техника программаси советининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда илмий-техника совети раиси, «Технолог» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Р. Ҳусаинов доклад қилди.**

**Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг 27 илмий-тадқиқот институти, олий ўқув юртлари, Тошкентдаги ихтисослашган конструкторлик бюролари ва саноат корхоналаридан иборат бу советнинг программасидан энг йирик ва актуал тадқиқотлар, юқори илмий даражада ишлаб чиқилган техник ечимлар ўрин олган. Келгусида программа топшириқларини амалга ошириш туфайли 80 миллион сўмлик иқтисодий самарага эришилади, 20 минг тоннадан кўпроқ металл тежалади.**

**Бу муаммоларни ҳал этиш учун юқори самарали технологик жараёнлар ишлаб чиқилади, мавжудлари эса такомиллаштирилади.**

**Қулай ва арзонга тушадиган конструкторлик ечимларни қўллаш, металл ўрнида ишлатиладиган маҳсулотлардан кенг фойдаланиш, металлдан қилинадиган буюмлар ишлаб чиқаришни ҳозирги талабларни ҳисобга олган ҳолда йўлга қўйиш, тайёрлов, ишлов бериш, йиғиш жараёнларида кам чиқитли технологик усулларни жорий қилиш туфайли қўшимча металл тежашга эришилади.**

**Бу йил область корхоналарида иқтисодий самараси икки миллион сўмдан иборат бўлган саккизта илмий-техник тадқиқот жорий этилади.**

**Йиғилишда Тошкент область партия комитети оғир саноат бўлимининг мудири М. Мирқосимов, илмий марказ раиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Т. Жўраев, корхоналар, илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари ва Тошкент области ҳамда Тошкент шаҳри конструкторлик бюроларининг раҳбарлари иштирок этдилар.**

**Т. КАРИМОВ,**
**Тошкент илмий марказининг ходими.**

# ҲУҚУҚ БИЛИМЛАРИ ЛЕКТОРИЙСИ

Тошкент шаҳар бош қурилиш бошқармасида ҳуқуқ билимлари лекторийси ташкил этилган. Ундаги машғулотларда «Главташкентстрой»га қарашли корхоналар, трест ва бошқармалар бошлиқларининг кадрлар бўйича ўринбосарлари, кадрлар бўлимининг ходимлари, ўртоқлик судларининг раислари, ҳуқуқ тартиботга қизиқувчилар қатнашмоқдалар.

Лекторийда яқинда бўлиб ўтган навбатдаги машғулотда Ўзбекистон ССР Олий судининг аъзоси М. Олимжонова «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг уй-жой кодекси» мавзусида лекция ўқиди ҳамда тингловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ.



**Халқлар дўстлиги проспектида 10 минг абонентга хизмат кўрсатувчи 45-АТС ишга тушиши билан шаҳарликлар учун яна бир қулайлик яратилади. Шу кунларда мутахассислар янги станциянинг барча узелларини пухта созлашга ҳаракат қилишаяпти.**

**Суратда: автоматик телефон станция катта инженери С. Ғофуров ва навбатчи инженер Е. Мамедовалар профилактика ишларини бажаришаяпти.**

**М. Нуриддинов** фотоси.

*ОБЛАСТЬ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ*

# ЭЛ НАЗАРИ



Бемаҳалда кўча эшик тақиллади. Уй бекаси ишдан кеч қайтган оила бошлиғи учун эндигина ошни сузиб дастурхонга келтирган эди. Меҳмон кўчадан ризқ-насибаси билан келади, дейишади. Лекин оила бошлиғи ишдан ҳориб қайтгани учунми, бу ҳол уйдагиларга ёқинқирамагандек бўлди. Катта ўғил Камол ўрнидан туриб кўча томонга юрди. Эшик олдида аллакимлар билан гаплашди-да яна ортига қайтди:

— Дада, қўшни маҳалладагилар, сизни сўрашяпти, сув тошиб уйларига кириб кетаётган эмиш. Ҳозир ишдан қайтиб овқатланаётган эдилар, десам ҳам... Ёки чиқиб жўнатиб юборайми?..

— ...Нима деяпсан, ўғлим, йўқлагандан кейин чиқиш керак.— Қодир ака гапини тугатмай ўрнидан тураётган ҳам эдики, эшик ортидагилар тоқатсизланиб:

— Уста-а-а!— деб чақира бошлашди. Худди шу нарса Қодир акага беихтиёр Камолдек пайтини эслатди.

Ўша кезларда отаси — Собир акани шу тарзда чақираверib, жон-ҳолига қўйишмасди. Маҳалладаги ҳар бир хонадон кичик бир йиғин қилса ҳам келиб айтиб кетарди. Мактабда дарс бериб кўпчиликни саводини чиқарган Собир ака каттаю кичик учун «домла» бўлиб қолганди. Уни ҳурмат қилганларидан оппоқ соқолли мўйсафидлар ҳам «домлажон» деб сийлашарди. Арзимаган бир хатни қоғозга тушириш учун ҳам ярим кечада «домла» деб уйга кириб келаверишарди. Собир ака бундай пайтларда сира эринмасди. Энди эса... Энди уни «уста» деб чақиришадиган бўлиб қолишди. Тавба, эрта-индин...

— Уста ака, кечирасиз, телефонда ремонтчиларни чақиртирган эдик, ҳаяллаб қолишди,— Қодир ака эшик тагига чиққандан кейин хаёли бўлинди,— қараб турсак бутун уй сувга тўладиган.

Биргалашиб ўша томонга юришди. Қодир ака шеригининг ёнида борар экан, энди унинг гапларини эшитмасди. Нуқул қулоғига «домла!» деган чақириқ товуши, орачора «уста» деган овоз эшитиларди. Сўнг отасининг «уста номини эл берган, керак бўлса қайтариб қўя қолади» деб насиҳат қилган куни ёдига тушди.

Шанба куни эди ўшанда. Қодир ака эндигина тунги сменадан қайтганди. Кечаси билан мижжа қоқмади. Кетма-кет бир неча заявкаларни бажаришга тўғри келди. Яна аксига олиб ҳаммаси анча чуқур жойлашган қувурлар ёрилганди. Ер қазиб ўша нуқтасини топишнинг ўзи бир азоб. Қолганини гапирмаса ҳам бўлади.

Уйга чарчаб-ҳориб кириб келди. Эндигина пинакка кетган экан, кимдир тўхтовсиз «Уста ака! Ҳў-ў-ў уста ака!» деб чақираётганини эшитиб уйғонди. Ўтган навбатчиликдан кейин ҳам худди шундай бўлганди, куни кеча ярим кечада ҳам тинч қўйишмади. Энди...

— Онаси, чиқиб амаллаб жўнатиб юбор, — Қодир ака шундай деди-ю, бошини ёстиқдан кўтармай уйқуга кетди.

Пешинда овқатга уйғотишди. Собир ота ўғлини пойлаб овқатланмай ўтирган экан. Тушлик тугагунча негадир ҳеч ким чурқ этмади. Ота ҳам. Бир пиёладан чой узатилгач, у салмоқлаб гап бошлади.

— Ўғлим, эрта билан келган одамларни сазасини ўлдириб яхши қилмадинг. Ҳар нима бўлганда ҳам чиқиш керак эди.

— Дада, одам ўзи учун ҳам яшаши керак-ку! Кечаси ҳам тиним йўқ, кундузи ҳам. Чақириб келаверишади. Бирор кун хотиржам ўтирганимни, ҳеч ким йўқламаганини эслайсизми?

Собир ота бошини хам қилганча нимтабассум қилиб анча жим ўтирди. Ўғлининг бу гапи ёқмади чоғи яна ниманидир тушунтирмоқчи бўлди.

— Ҳа, ўғлим, ундай кунни эслай олмайман. Шундан хафа бўляпсанми? Бундан хурсанд бўлиш керак. Одамларга керак бўлганингдан, улар ҳар куни йўқлаб туришидан, чақириб келишидан севиниш керак. Ахир бу, эл назари-ку! Ҳеч ким безовта қилмаса, эшигингни қоқмаса, бормисан демаса, ҳатто йўловчи ҳам остонангни четлаб ўтса, яхши бўлармиди? Ана шунисидан асрасин, болам, шундан асрасин! «Уста» номини сенга эл берган, керак бўлса, қайтариб қўя қолади...

Дастурхон йиғилгандан кейин Қодир ака жим ўтира олмади. Эрта билан ким келганини суриштириб йўлга тушди....

* * *

Ана шуларни эслаб Қодир ака қўшни маҳалладаги сув қувурини ҳам тузатиб келди. Уйга қайтса ҳамма ётиб қолибди. Ҳовли сув қуйгандек жим-жит. Фақат кираверишдаги уйнинг чироғи ёқиқ қолдирилибди. Болалар дарс тайёрлаётган бўлса керак,— Қодир ака шу хаёлда ичкарига кирди. Йўқ, улар ҳам ухлаб қолишган экан. Уйнинг тўрида эса дазмолланган, орденлари тақилган костюми стул суянчиғига осиғлик турарди. Шуларни кўргандан кейингина эртага тантанали мажлисда сўзга чиқиши кераклигини ёдлади.

Ўзи ҳақида, бригадаси ҳақида бир-икки оғиз тўхталиб ўтиши керак эмиш. Партком шундай деб туриб олди. Лекин Қодир ака нимадан бошлаб қандай тамомлашини ҳам билмайди. 17 йилдан бери «Водоканал» тресги водопроводлар тармоғи бошқармасининг слесари бўлиб ишлайди. Бригадага бош бўлганига ҳам ўн йилдан ошиб кетди. Шу вақт ичида анчагина қизиқ воқеалар, қийин кунлар бўлиб ўтди. Лекин бу нарсалар бошқаларга қизиқ туюлмаса ҳам керак. Ўзи учун ўтган навбатчиликдаги воқеанинг ўзи бир олам таассурот қолдирди...

Эндигина Саъдий кўчасидаги носоз қувурни тузатиб қайтишаётганди. Машина ўт олган эди ҳамки рация ишга тушди: навбатдан ташқари муҳим чақириқ, адресни ёзиб олинг...»

Машина Дўмбробод томонга бурилди. Бригада аъзолари — Юрий Панфилов ҳам, Аҳад Абдуллин ҳам, Олимжон Ниғматов ҳам нима бўлди экан, деб Қодир акага қарашди. Бригадир уларнинг маъноли қарашларини тушуниб ўзи сўз бошлади:

— Роҳат ва Наққошлик кўчалари кесишган ерга етиб келинг дейишди. У ердан йирик сув қувури ўтган. Ёрилганга ўхшайди. Тузатиш осон бўлмайди.

10 минутча вақт ўтгач айтилган ерга етиб келишди. Сув босимнинг кучлилигидан бирнеча ўн метр баландга отилиб ётарди. Қодир ака меҳнат қиладиган 7-цехдан, бошқа ерлардан ҳам тўрт-беш бригада чақиртирилибди. Ҳамма у ёқ билан бу ёққа югуради. Гарчанд слесарлар кундалик ишларини сира ўйланмай аниқ бошлашга одатланган бўлсалар-да, бу гал нима қилаётганларини ўзлари ҳам билишмасди. Чунки бунақаси ҳар куни эмас, ҳар кварталда ҳам учрамаслиги мумкин. Кимдир «Қодир Собиров бригадаси келди» деб қолди. Ёшлар унга йўл очиб, бироз чекинишди.

— Сувнинг чиқиши ваҳимали,— деди Қодир ака вазминлик билан.— Лекин бошқа ердан сизиб чиққанидан шу ердан отилиб тургани ҳам маъқул. Ортиқча ер қазиб куч ҳам сарфламаймиз, вақт ҳам йўқотмаймиз. Қани белкуракларни ол!— Юра Панфилов тезда белкуракларни келтирди. Ҳамма иш қуролини олиб ер қазишга киришди.— Ҳайрон бўлманглар, ҳозирча сув чиқаверади, қувурдаги сув оқимини қанча кам вақт тўхтатиб қўйсак бизнинг ютуғимиз...

Сув вақтинча тўхтатилди. Қувурлар бир-бирига пайвандланган чокдан сув отилаётган экан. Бир зумда ёши каттароқ киши пастга қийналиб тушиб, уни қайтадан пайвандлаб чиқди. Сув қўйиб юборилди. Ҳамма жим туриб пастга қаради: бояги чок намланмаяпти.

— Эрта-индин яна қайтмаймизми, биродар?— Қодир ака оғир ишдан кейин бироз кулги қилиш мақсадида ҳамкасбига ҳазиллашди.

— Ўзинг нима деб ўйлайсан, Қодиржон?

— Менга қолса ўтган галги гапимни такрорлардим: Йирик газ магистрал қувурларини бир-бирига пайвандлаган ишчи қувурнинг ўша қисмига ўз шахсий тамғасини қўяр экан. Келгусида бирор кор-ҳол рўй бергудек бўлса, балога қолди, деявер. Буни ўзи ҳам тушунади. Шундай бўлгач, ҳар ким қандай ишлашини гапирмаса ҳам бўлади. Агар тепангда шунча одам турганини пайвандлаётганингда эсингда тутган бўлсанг иш пишиқ бўлибди. Ахир шунча гувоҳ...

Ҳамма кулиб юборди. Қўшилиб Қодир ака ҳам кулди...

...Шу воқеа баҳона ҳаммасини ҳикоя қилиб бераман. Оддий слесарь бўлганимни ҳам, аввалига ҳатто оддий ишларни бажаришда қийналиб, кейин бригадирликка кўтарилганимни ҳам, «водопроводчилик ҳам ишми?» деб писанда эшитганимни ҳам, ҳамма-ҳаммасини гапираман. Ўз касбини севган, астойдил меҳнат қилган, оддий водопроводчи ҳам III даражали, кейинчалик II даражали Меҳнат Шуҳрати орденлари кавалери, область мукофоти лауреати бўла олишини билиб қўйишсин.

**А. МИРАЛИМОВ.**

СОВЕТЛАР ВА ҚИШЛОҚ ТУРМУШИ МАДАНИЯТИ

# ОММАЛАШТИРИЛСА АРЗИЙДИ

КАЛИНИН қишлоқ Совети территориясига жойлашган «Ленин йўли» ва Охунбобоев номли колхозлар Тошкент районидаги йирик, кўп тармоқли, сердаромад хўжаликлардан ҳисобланади.

Деҳқончиликдан келаётган соф даромадлар колхоз қишлоқларини ободонлаштириш, турмуш маданиятини юксалтириш, колхозчиларнинг яшаш шароитини яхшилаш ва уларнинг ўсиб бораётган турли эҳтиёжларини қондиришга сарфланмоқда. Бир мисол: ҳозир қишлоқ Совети территориясидаги 2131 хонадоннинг мингтасида енгил автомашина бор. Шу хонадонларда яшаётган 15 минг аҳоли эҳтиёжлари учун зарур бўлган кўпгина қулайликлар яратилган. Маиший хизмат кўрсатиш уйи, учта кинотеатр, клуб, кутубхона, «Гулноз» савдо маркази хизмат қилмоқда. Тўртта мактаб, 5 та болалар боғчасида ўғил-қизлар ва кичкинтойларнинг пухта билим ҳамда тарбия олишлари учун барча шароит бор. Иккита поликлиника, замонавий медицина асбоблари билан таъминланган 100 ўринли шифохонада малакали врачлар колхозчиларга медицина хизмати кўрсатишаяпти.

Қишлоқларни ободонлаштириш, меҳнаткашлар турмуш шароитини янада яхшилаш ишларига қишлоқ Совети депутатлари бошқош бўлмоқдалар. Қишлоқ Советида турли хил масалалар билан шуғулланувчи 7 та доимий комиссия ишлаб турибди. Ҳар бир комиссия 9 кишидан иборат.

Депутатлар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейига тўёна сифатида ҳашар йўли билан 7 та маҳаллада ҳар бири 100 ўринли клуб биноси қуриш ташаббуси билан чиқдилар. Маҳаллалардаги хонадонлар аҳли, ҳар бир колхозчи бу ташаббусни қизғин маъқуллаб, қўллаб-қувватладилар. Олмазор ва Охунбобоев маҳаллаларидаги клуб қурилишларида ҳар шанба ва якшанба кунлари ҳашар уюштирилмоқда.

«Ленин йўли» ва Охунбобоев номли колхозларда ҳалол меҳнати билан хонадони файзли, турмуши фаровон бўлган пири-бадавлат оилалар жуда кўп. Замонага мос янгича анъаналар колхоз меҳнаткашлари ҳаётидан кенг ўрин олмоқда. Бу ерда тўйлар ортиқча харажатсиз, ихчам ўтмоқда. Қарилик пенсиясига узатиш, йигитларни Совет Армияси сафига кузатиш, ҳовли тўйлари ўтказиш анъанага айланиб қолган. Бундай тантаналарда қишлоқ Совети ҳузурида тузилган «Дуторчи қизлар» бадиий ҳаваскорлик ансамбли концертлар намойиш этади.

Колхоз меҳнаткашлари билан Совет Иттифоқи қаҳрамонлари, олимлар, санъат усталари, Ҳамза номли ўзбек Давлат академик драма театри, Муқимий номли ўзбек Давлат музикали театрининг актёрлари тез-тез учрашиб туришади. Яқинда Калинин қишлоқ Советида Тамарахоним, Галия Измайлова, Саодат Қобуловаларнинг ижодий кечалари ўтказилди.

Қишлоқ Советининг депутатлари халқ вакили сифатидаги бурчларини бажаришдан ташқари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ҳам бевосита намуна кўрсатиб меҳнат қилаяптилар. Район Советининг депутати, «Ленин йўли» колхозининг узумчиликка ихтисослашган бригадаси бошлиғи Иброҳим Нурҳожиев ва Охунбобоев номли колхоз сабзавотчилик бригадаси бошлиғи Муҳаббат Соатовалар ана шулар жумласидандир.

Иброҳим Нурҳожиев бригадаси ўтган йили 35 гектар токзорнинг ҳар гектаридан пландаги 130 центнер ўрнига 237 центнердан ҳосил йиғиштириб олди. Маҳсулот таннархи пландагидан арзонлаштирилди. Бу йил юксак марраларни кўзлаб ишлаётган бригада аъзолари ҳар бир килограмм маҳсулот таннархини 20 тийин ўрнига 17 тийинга туширишга аҳд қилишган. Бундан ташқари давлатга узум сотиш йиллик планини 25 сентябргача бажариш, беш йиллик марраларини 3 йилу 8 ойда эгаллаб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейига муносиб тўёна тайёрлаш мажбуриятини олишган.

Ишнинг кўзини биладиган тажрибали ташкилотчи И. Нурҳожиев ўз бригадасида коллектив пудратини муваффақиятли жорий этган. Депутат фаолияти кўпчиликка намуна. Уларнинг ташаббусларини кенг оммалаштирса арзийди.

**Н. ШОАБДУРАСУЛОВА.**

# СЎЗ ЖОЗИБАСИ

ШОДИ КАРИМОВ бу гал Чиноз районидаги Навоий номли колхозга келди. У колхоз партия комитетининг секретари Убайдулла Мадсобиров билан бирга яқинда А. Акромов бошлиқ бригадада ҳашар йўли билан қурилган дала шийпонига йўл олди. Бригада меҳнаткашлари бу йил ҳар гектар ердан 50 центнердан «оқ олтин» етиштириб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик тўйини муносиб нишонлашга аҳд қилганлар.

Лектор шийпондаги агитация воситаларига кўз ташлайди. Юбилей йилида янгидан-янги меҳнат зафарларига чорловчи шиор ва плакатлар кўзга кўринарли жойларга осиб қўйилган. Бригада аъзолари КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь ва 1984 йил февраль Пленумлари қарорларига жавобан бу йил меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 2 процент оширишга, маҳсулот таннархини эса қўшимча 0,7 процент камайтиришга эришишмоқчи.

— Буни қаранг,— деди партком секретари Шоди аканинг диққатини деворга осилган, юқоридаги рақамларнинг мағзи чақилган плакатларнинг бирига жалб қилиб,— Унумдорлик пландан ташқари 2 процент ошадиган бўлса, коллектив қўшимча равишда 3200 сўм даромад олади. Таннарх қўшимча 0,7 процент камайтирилса, 788 сўмлик иқтисодий самара кўрилади. Чакки эмас-а!

Ҳа, дарвоқе, колхозимиздаги ўн иккита дала шийпонининг саккизтаси мана шундай типовой усулда қурилган. Ўтган йили хўжалигимизда пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштирилди. Салкам уч миллион сўмлик даромад қилдик. Ана шу даромаднинг бир қисмига янгидан учта дала шийпони бунёд этдик. Буниси ана шундай ўзига хос оромгоҳларнинг биттаси. Сўнгра партком секретари лекторни одамлар орасига бошлади. «КПССнинг социал-иқтисодий сиёсати ва халқаро аҳвол масалалари» мавзуидаги лекцияни тингловчилар диққат билан эшитдилар. Нотиқнинг оддий, самимий гаплари колхозчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Лектор тингловчилардан тушган саволларни ҳам инобатсиз қолдирмайди. У суҳбат жараёнида тингловчиларини кузатиб боради, уларнинг кайфияти, қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда саволларга аниқ, лўнда жавоблар қайтаради. Жумладан, колхоз сувчилари — Фахриддин Ҳасанов, Мўйдин Ғуломқодиров ва Толиб Нуриддиновлардан тушган саволларга у шундай аниқ жавоб берди:

— Американлик генералларнинг Европада ўз ракеталарини жойлаштиришдан мақсадлари, биринчидан, мамлакатимиз устидан ҳарбий устунликка эга бўлиш, иккинчидан эса, мабодо уруш бўлгудек бўлса, уни Европа қитъасида ўтказиб, ўз территорияларини омон сақлаб қолишдир. Лекин улар чучварани хом санашяпти. Уларнинг ҳарбий устунликка эришишларига йўл қўймаймиз.

Суҳбат чоғида Американинг ўртача олисликка учадиган ракеталарини Ғарбий Европада жойлаштириш билан боғлиқ масаланинг сиёсий томони ҳам батафсил тушунтириб берилди.

Охунбобоев номли колхоз касаба союз комитетининг раиси Р. Холдоров, Киров номли колхоз сиёсий ахборотчиси, ўқитувчи В. Холматовларнинг саволларига ҳам атрофлича жавоб қайтарди:

— 1982 йилда НАТО мамлакатларининг ҳарбий сарф-харажатлари 300 миллиард доллардан ошиб кетди,—деди у.—Американинг ўзида ўтган йил ҳарбий сарф харажатларни 28 миллиард долларга кўпайтиришга, айни пайтда социал программалар, биринчи навбатда маориф, соғлиқни сақлаш учун мўлжалланган фондларини 20 миллиард долларга қисқартиришга қаратилган программа ишлаб чиқилди.

Энди буни мамлакатимиздаги аҳвол билан солиштириб кўрайлик. 1982 йилда ижтимоий истеъмол фондидан аҳолига тўловлар ва имтиёзлар 128 миллиард сўмни ташкил этди. Бу 1981 йилдагидан 5,8 миллиард сўм кўпдир. 1983 йилда мамлакат миллий даромадининг 114,1 миллиард сўми социал-маданий тадбирларга сарфланди. Ҳар йили давлатимиз уй-жой қурилишига 15 миллиард сўмликка яқин капитал маблағ сарфламоқда...

—Шу ўринда,—дейди пировардида лектор,— сизларга КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари К. У. Черненконинг партия Марказий Комитетининг февраль Пленумида сўзлаган нутқидаги қуйидаги сўзларни эслатиб ўтмоқчиман. «Бизга ҳарбий устунлик керак эмас,— деди Константин Устинович Пленумда,— биз бошқаларга иродамизни мажбуран қабул қилдирмоқчи эмасмиз, аммо биз эришилган ҳарбий мувозанатни бузишга ҳам йўл қўймаймиз. Биз мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, урушқоқ авантюрачиларнинг жазавасини пасайтира оладиган етарли воситаларга эга бўлиш ҳақида бундан буён ҳам ғамхўрлик қилаверишимиз хусусида ҳеч кимда асло шубҳа-гумон бўлмасин».

Шийпонда тўпланганлар лекторга мароқли суҳбати учун миннатдорчиликларини қарсаклар билан изҳор этдилар

## *ЭНГ ЯХШИ ЛЕКТОРЛАРИМИЗ*

Ҳа, Шоди Каримовнинг лекция ва суҳбатларини ҳамма жойда катта қизиқиш билан тинглашади. Бунинг сабаби унинг ташвиқотчиликда етарли тажриба ва маҳоратга эга бўлганлигида, албатта. Сиртдан қараганда зерикарли кўринган мавзулар, тингловчилар «ҳазм» қилишга қийналадиган мураккаб масалалар унинг талқинида лўнда, содда, қизиқарли равишда жаранглайди, кишилар лектор сўзларини тинглаб вақт қандай ўтганини ҳам сезмай қоладилар.

Унга кўп ва ҳар хил саволлар беришади. Лектор бу саволларни муҳим ва иккинчи даражали деб ажратмайди, сўзи билан, сўзлаш услуби билан тингловчилардан ўзини устун қўймайди.

Шоди аканинг чиқишларини қизиқарли қилаётган яна бир муҳим томони шундаки, лектор сиёсий-назарий билимларни турмуш, маҳаллий воқеа-ҳодисалар, факт ва рақамлар билан усталик билан боғлаб олиб боради. Шу тариқа тингловчилар қалбига ва онгига йўл топади. Тажрибалари билан ўртоқлашар экан, у шундай дейди:

— Сўзга чиқишнинг ўзи ғоят катта ва масъулиятли меҳнатдир. Лектор рус ва чет эл классиклари, совет, ўзбек ёзувчиларининг асарлари, бошқа адабиётларни, матбуотни доимо кузатиб бориши лозим бўлади. У К. Маркс ва Ф. Энгельс, В. И. Ленин асарларини пухта ўрганиб, улардан конспект олиши, партия ҳужжатларидан иборат тўпламларни ва бошқа маълумотларни йиғиши, улардан фойдалана билиши зарур.

— Яхши одамларга йўлдош бўлсанг, ҳаёт йўлинг ҳамиша ёруғ бўларкан,— деб ёзипти Шоди аканинг шогирдларидан бири Мансуржон Бобоев.— Унинг тарбиясини олиб, унинг изидан бориб кам бўлмадим. Айниқса, унинг лекторлик салоҳияти, тажриба ва маҳорати олдида қарздорман.

Тарих фанлари кандидати, доцент Шоди Каримов айни вақтда Тошкент халқ хўжалиги институтида талабаларга дарс бермоқда. Олим-педагог сифатида қатор рисола ва китобларнинг муаллифидир. 1982 йилда унинг «Ўзбекистон» нашриётида «Ривожланган социализм шароитида студент-ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш» деган китоби чоп этилди. У педагогик фаолиятини республика «Билим» жамиятининг 30 йиллик аъзоси сифатида катта тарғиботчилик ишлари билан қўшиб олиб бормоқда. Лекторнинг тарғиботчилик соҳасидаги самарали меҳнатлари кўпгина фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланган. У ўзи яшаётган Чилонзор районидаги «Большевик», «Зарафшон» ва «Қозиробод» маҳаллаларида, областимиз колхоз ва совхозларида мунтазам лекциялар ўқиб, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига муносиб ҳиссасини қўшиб келяпти.

Биз коммунист, актив идеология ходими Шоди Каримовнинг партия сўзини халққа етказиш йўлидаги самарали фаолиятида янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

**Ж. МЎМИНОВ,**
**СССР Журналистлар союзи аъзоси.**

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

# МАТБУОТ ОБЗОРИДАН СЎНГ

**«Тошкент ҳақиқати» газетасининг 30 март сонида эълон қилинган «ГАЗЕТА ВА ИЛҒОР ТАЖРИБА» сарлавҳали матбуот обзорида Коммунистик район партия комитети, Халқ депутатлари район совети органи «Суръат» газетаси саҳифаларида Тошкент технологиясига оид материаллар кам берилаётганлиги, уларнинг мазмуни ва жанри талаб даражасида эмаслиги танқид қилинган эди.**

**Матбуот обзори редакция ижодий ходимларининг умумий йиғилишида муҳокама қилинди. Сўзга чиққан редакция партия турмуши бўлими мудири М. Турсунов, қишлоқ хўжалик бўлими мудири Р. Довутбеков, масъул секретар И. Холтурсунов ва бошқа ўртоқлар Тошкент технологиясини ёритишда камчиликларга йўл қўйилаётганлигини тан олдилар ва бу нуқсонларни бартараф этиш юзасидан конкрет таклифларни ўртага ташладилар.**

**Йиғилишдан сўнг «Суръат» газетаси саҳифасида «Тошкент технологиясига амал қилиб», сарлавҳали бош мақола эълон қилинди. Газета саҳифаларида «Тошкент технологияси бўғинлари», «Тошкент технологияси шарофати» деган янги рубрикалар пайдо бўлди. Бу рубрикалар остида берилаётган материалларда пахта етиштиришдаги илғор технология моҳияти очиб берилмоқда.**

**Мана шулар ҳақида бизга газета редактори М. Отақулов маълум қилган.**

